

## Яхши сўз – жон озиғи



17:00 / 17.04.2022 3404

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Кишининг гўзаллиги унинг тилидан билинади” (Имом Ҳоким ривояти);

– “Ҳамма ишларингизда тўғри бўлинг, одамларга муомалада хулқингиз чиройли бўлсин!” (Имом Табароний, Имом Ҳоким ривояти);

– “Ҳақиқий мусулмоннинг қўлидан ҳам, тилидан ҳам мусулмонлар озор кўришмайди” (Имом Муслим ривояти).

Сийрат китобларида Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг жуда кам гапиришлари, гапирганларида ҳам, бўлиб-бўлиб, аниқ сўзлашлари баён этилган. У зот алайҳиссаломнинг муборак юзларини кўрган бир саҳройи араб: “Гувоҳлик бераман, бу юз ёлғончиларники эмас”, деб Илом динини қабул қилган. Зеро, Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васаллам гўзал хулқли инсон эдилар. Ул зот бизларни ҳам яхши хулқли бўлишга чақирганлар.

Ҳадисда: “Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, яхши сўзларни гапирсин ёки сукут сақласин”, дейилган (Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти).

Дунё ва охираат учун фойдали сўзларни сўзлаб, фойдасиз гаплардан тийилиш фақат яхшилик келтиради. Яна Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Кишининг ҳар бир эшитган нарсасини гапиравериши гуноҳкор бўлишига кифоядир”, деганлар.

Одам бир гапни айтишдан олдин яхшилаб ўйлаб кўриши керак. Агар айтмоқчи бўлган сўзи яхши бўлса, савоб келтирса, гапиргани тузук. Бордию айтмоқчи бўлгани ёмонликларни қўзғайдиган, яхшиликка шубҳа уйғотадиган бўлса, тилини тийсин. Одам ҳар бир гапни учун жавоб беради. Оғиздан чиққан ҳар бир сўз гапирувчининг фойдасига ёки зарарига хизмат қилади. Ўйламасдан айтилган сўз билан яқин дўст гоҳо душманга айланиб қолиши мумкин.